

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЕТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ХИКОЯТЛАР ХАКИҚАТИ



ТОШКЕНТ - 2021

Мазкур рисолада улуг мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидан ўрин олган уч ҳикоятнинг насрый баёни ва шарҳи берилди. Шарқ адабиётида бу ҳикоятлар жуда машҳур бўлиб, улар тасаввудаги ҳол ва мақомлар сир-асорини очишга ёрдам беради.

Масъул мухаррир

Иброхим ҲАҚҚУЛ,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Максуд АСАДОВ,

филология фанлари доктори;

Сирдарёхон Ўтанова,

филология фанлари номзоди

Насрий баён ва шарҳлар муаллифи:

Зулайҳо РАҲМОНОВА,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашигининг 2021 йил 9 апрелдаги 4-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

Мазкур рисолада улуг мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидан ўрин олган уч ҳикоятнинг насрый баёни ва шарҳи берилди. Шарқ адабиётида бу ҳикоятлар жуда машҳур бўлиб, улар тасаввудаги ҳол ва мақомлар сир-асрорини очишига ёрдам беради.

Масъул мухаррир

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Максуд АСАДОВ,
филология фанлари доктори;
Сирдарёхон Ўтанова,
филология фанлари номзоди

Насрий баён ва шарҳлар муаллифи:

Зулайҳо РАҲМОНОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

ҚУШ ТИЛИ – ИШҚ ЙҮЛИ

“Лисон ут-тайр” мутафаккир ва мутасаввиф Навоийнинг улвий назар, ориф қалб ила умр сўнгига ёзилган достони. Мазкур асар имтиҳон дунёсида сайри жамол айлаган муаллифнинг убудиятидан, ишку маърифатидан gox мурид, gox муршид сифатида ҳасби ҳол этган илҳом маҳсулидирки, замондошлари ҳам бунга иқорор этишган. Муаррих Ғиёсиддин Хондамир ҳам “Макорим ул-ахлоқ” асарида Алишер Навоийнинг аҳли дилга қанчалар ошнолиги ва ижтимоий-сиёсий фаолияти руҳоний ҳаётидан узоқ этолмагани ҳақидаги қарашларини икки асари билан далиллайди. “Улардан бири “Насойим ул-муҳаббат” тазкираси, яна бири эса “Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут тайр” асарига муқобил тарзда туркий тилда шеърий йўл билан битилган “Лисон ут-тайр” (1499) рисоласидир. Ушбу қутлуғ асарда фано йўлидаги сайри сулук ҳамда Худованд даргоҳига яқинлик мақомига етишиш йўл-йўриқлари тўғрисида ҳикоя қилинади”. Дарҳақиқат, тасаввуфдаги хузури илохийя, завқу шавқ, ҳолу мақомларни акс эттириб, хосу хосларга маънавий йўлчилик ҳақида баҳс юритувчи “Лисон ут-тайр” висолга етиш усулларини кўрсатувчи бир дастур ул-амалдир. Бу йўлчилик – рух сафари. Бу күш тили – ишқ йўлидир.

Мазкур асар шарқ адабиётида ўзига хос жанрий хусусиятларга эга достон ҳисобланади. Рамзий-мажозий ишорат тилида ёзилган достоннинг таркибий тузилиши муаллифнинг мақсаду маслагини ёрқинроқ очиб беришга хизмат қилган. Шулардан бири достонда ҳикоятларнинг келтирилишидир. Бу ҳикоятлар ўзидан олдинги бобда қўтарилган муаммони теран англашга ва унинг ечимини топишга яқиндан ёрдам беради. Шу билан бирга Навоийнинг ҳикоятчиликдаги маҳорати, ушбу жанр тараққиётiga қўшган улкан ҳиссаси ҳам алоҳида эътиборга молик. Асардаги уч ҳикоятни танлаб, уларни насрий баёнини шарҳлашга ҳаракат қилдиқ. Бу учала ҳикоятнинг изоҳи тасаввуфдаги маълум бир тушунча ва ҳолларни бир қадар англашга йўл очиши шубҳасиз.

ШАЙХ НАЖМИДДИНИ КУБРОНИНГ СЎЗИ ВА ИТГА ТУШГАН КЎЗИ

“Шайх Нажмиддин Кубро — қутби даҳр,
Бир назардин кимгаким еткурса баҳр.

Ёрбон нури вилоятдин кўзи,
Ўзлугидин ойрилур эрди ўзи.

Бу сифатда етти ул ерга иши,
Ким вали бўлди кўзи тушкан киши.

Сукр вақти солди чун бир кун назар,
Ул назардин бўлди бир ит баҳравар.

Ошнолиғдин етишти чошни,
Тортиб итлик сийратидин бошни.

Юз қўюб шайх оллида қилди ниёз,
Барча итлар узра бўлди сарфароз.

Ҳар қаён шаҳр ичра қилса эрди майл,
Итлар эрди гирдида андоқки хайл,

Қайда ўлтурса эди итларга шоҳ,
Ҳалқа эрди даврида хайлу сипоҳ.

Чун қазодин бошига етти ажал,
Шайх эшигинда қозибон бир маҳал —

Дафн этиб қабрин намудор эттилар,
Қабрин инсондек падидор эттилар.

Айлаб итлар мотамида кўп фифон,
Қабрининг даврида туттилар макон.

Юз қўюб қабриға ҳоло — аҳли роз,
Кўргузурлар сидқ юзидин ниёз.

Бу дам ул Хоразмда мавжуд эрур.
Кишвареким ҳокими беҳбуд эрур.

Бўлмағай оламда мундин турфа сўз,
Ким саодат аҳли итга солса кўз,

Еткуурит итга натижа ул назар,
Зотига солур кишиликдин асар.

Итгаким етгай валидин тарбият,
Қушқа ҳам тонг йўқ набидин тарбият.

Не кишилик ким иноятдин нишон,
Нашъаи нури валоятдин нишон.

Қушқа ҳам бўлса паямбар лутфи туш,
Не ажаб бўлса мутеъи барча қуш.

Собиқан ҳам қисса ўтмиш бу қабил,
Сидқиға Асхоби каҳф этти далил.

Чун иноят айласа хайи мубиқ,
Итгау қушқа не тонг етса насиб”.

Маълумки, достонда қушлар ўз ҳолларига кўра Худхудга турли-туман саволлар бера бошлашади. Аввало, нима сабабдан Худхуднинг маърифат соҳибию, ўзларининг ҳакиқатдан бехабарликлари уларни ажаблантиради. Зеро, улар зоҳирда бир-биридан асло фарқ этмас, бари бир жинсдадир. Ораларидаги бундай ботиний тафовутни Худхуд тасаввудаги муҳим масалалардан саналган назар билан боғлаб изоҳлайди. Яъни Худхудга Сулаймон (а.с.)нинг кўзи тушган эди. Сулаймон (а.с.) эса Аллоҳнинг назари тушиб танланган, ҳам расул, ҳам инсу жин, шунингдек, ҳайвонлару қушларга подшоҳ этиб сайланган набий. Худхуддаги бунча ирфон, бунча иззатнинг боиси эса унга мана шу сultonнинг назари тушишидандир. Чунки сафо аҳлининг назари кимгаки тушса, унинг ички оламида бир эврилиш бўлиб, муқарраб қуллардан бирига айланади. У ишқу ирфондан насиба олади. Гўёки